БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 224 (16.307) • 25 сентябрь 1975 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

1.500.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР

Тошкент области. Бенобод районидаги Ойбек номли совхознинг Нурмурод Нуралиев бошлиқ бригада коллективи 102 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш учун курашмоқда. Бу ўтган йили йиғиб олинган ҳосилдан икки центнер кўпдир. Шу кунларда хўжаликда йиғим-терим ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди. Бунда илғор теримчилар ҳам фурсатни қўлдан бермай теримни кун сайин тезлаштирмоқдалар. Суратда: илғор бригаданинг пешқадам теримчиси Ойдин Ҳамроева. У ҳар куни 160-200 килограммга етказиб пахта термоқда. А. Авазов ва А. Қодиров фотоси. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент областидаги Алимкент пахта тозалаш заводи коллективининг пахта толаси сифатини янада яхшилаш хусусида республика пахта тозалаш саноатининг барча ходимларига мурожаатини маъқуллади.

Алимкент пахта тозалаш заводининг коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширра бориб, мавжуд резервлардан фойдаланиб, тўқ қизинчи беш йиллик давомида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги техника ва илғор тажрибани жорий этиш соҳасида катта ишлар қилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса маҳсулотни реализация қилиш беш йиллик планини 1975 йил июнь ойида бажаришга имкон берди. Коллектив тайёрланаётган пахтанинг сифатини яхшилаш ва ундан юксак сифатли маҳсулот олиш учун кўпгина ишларни қилмоқда. Қорхона тайёрлов пунктларини ва пахта тозалаш заводини муваффақиятли, «аъло» баҳога тайёрлаб, пахта далалари меҳнаткашларининг олтин қўллари билан етиштирилган янги ҳосил пахтасини қабул қилиб олиш ва қайта ишлашга киришди. Мавсум бошидан бери бутун маҳсулот биринчи сорт билан чиқарилмоқда, тола ва линтнинг 100 процент давлат стандарти нормалари доирасида ва ундан ҳам ошириб ишлаб чиқарилмоқда.

Алимкент пахта тозалаш заводи коллективининг эришган бу муваффақиятлари корхонадаги ва тайёрлов пунктларидаги барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнати натижаси, уларнинг янада кўпроқ муваффақиятларга эришишга бўлган интилишининг самарасидир.

«КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарорига жавобан Алимкент пахта тозалаш заводи коллективи ошириган социалистик мажбуриятлар оқими ва барча пахта тозалаш саноати ходимларига мурожаат қилиб, уларни пахтани тозалаш вақтида толанинг йигирув хусусиятларини камайтирмаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашга чақирди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети область, шаҳар, район партия комитетлари, Узбекистон касаба союзлари республика совети, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Узбекистон ССРнинг министрликлари ва идоралари зиммасига Алимкент пахта тозалаш заводи меҳнаткашларининг мана шу қимматли ташаббусини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юклади. Пахта тозалаш заводларидаги барча бошланғич партия ташкилотлари мурожаатни муҳокама қилишлари, уни барча меҳнаткашлар онгига етказишлари, юксак сифатли тола ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мусобақани кенг авж олдиришлари керак.

Республика газеталари редакцияларига, Узбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига юксак сифатли тола ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлаётган пахта тозалаш заводлари ҳамда тайёрлов пунктлари коллективларининг тажрибасини мунтазам ёритиб туриш топширилди.

5.200.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада: бир кунда	шу жумладан машинада: мавсум бошидан
Фарғона	2,29	43,24	1,22	7,66
Андижон	3,49	42,25	3,26	10,26
Қашқадарё	2,51	40,06	2,13	13,09
Бухоро	1,87	35,28	0,62	3,60
Хоразм	2,66	30,80	1,67	7,84
Сурхондарё	2,73	30,39	2,82	14,32
ҚҚАССР	3,23	27,13	2,54	10,66
Наманган	2,73	23,73	2,19	5,41
Самарқанд	2,27	21,64	1,02	3,19
Тошкент	3,08	14,45	3,11	8,04
Жиззах	2,86	9,21	3,22	7,51
Сирдарё	0,95	5,28	0,72	1,29
Республика бўйича:	2,58	29,02	2,05	7,63
Шу жумладан енгичка толали пахта				
Наманган	3,95	46,73		
Бухоро	3,06	38,89		
Қашқадарё	1,72	27,96		
Сурхондарё	1,60	25,63		
Республика бўйича:	1,76	27,59		

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

24 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш соҳасида республика комсомол ташкилотининг вазифалари тўғрисида Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржоновнинг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Пленумда республика комсомолларн ва ёшлари съезд олди мусобақасида меҳнатда муайян муваффақиятларга эришганликлари таъкидлаб ўтилди. Ёш ишчилардан 80 мингдан кўпроқ киши ўнинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда, қарийб 250 киши ҳозирдаёқ икки беш йиллик планни бажариб қўйди. Узбекистон комсомоллари юз минг ёш механизатор тайёрлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга берган сўзларини шараф билан бажармоқдалар. Ёш механизаторлардан 70 минг киши ҳозирдаёқ далаларда меҳнат қилмоқда, 40 минг киши эса механизаторлар таълими курсларида ўқимоқда.

Пленум комсомол ташкилотларининг диққат-эътиборини ёш меҳнатчилар ўртасида социалистик мусобақани яхшироқ ташкил этиш, уларнинг кучғайратини саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қўшимча резервларини қидириб топишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратиш зарурлигига жалб этди.

Пленум ёшлар ўртасида съезд олди мусобақасини янада ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирларни тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Тошкент область Алимкент пахта тозалаш заводи коллективининг республика пахта тозалаш саноати барча ходимларига

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Бутун совет халқи каби Алимкент пахта тозалаш заводининг коллективи ҳам шонли Коммунистик партиямизнинг XXV съездини муносиб кутиб олишга ҳозирланиб, халқ хўжалиги плани ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун тинимсиз меҳнат қилмоқда. Корхона меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига жавобан ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишнинг янги резервлари ва йўлларини қидириб топмоқдалар, беш йиллкнинг якунловчи йилини янги ютуқлар ва муваффақиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар.

Пахта заводлари тайёрлов пунктларини «аъло» даражада тайёрлаб қўйиб, пахтакорларнинг олтин қўллари билан етиштирилган янги пахта ҳосилини қабул қилиш ва қайта ишлашга киришди. Мавсум бошлангандан бери жамики тола олий сифат билан ишлаб чиқарилмоқда.

Биз коллективимиз билан Кичанов номли совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Валиевнинг «Пахтанинг сифати ўзимизга боғлиқ» деган очиқ хатини зўр эътибор билан ўқиб чиқдик. Ўртоқ Валиев мамлакатга, тўқимачиларга номигагина эмас, балки яхши, юқори сифатли пахта кераклиги тўғрисида жўшқин сўзлар ёзган. Пахтанинг сифати нақадар юқори бўлса, ундан ишлаб чиқарилган маҳсулот шу қадар қимматлироқ, ундан тўқилган газлама шу қадар пишиқ-пухтароқ бўлади.

Селекциячилар қунт билан олижаноб меҳнат қилаётганликлари, пахтанинг янги истиқболли навларини етиштириш соҳасида иш олиб бораётганликлари учун, биз пахта тозалаш саноати ходимлари уларга астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз. Совет пахтаси халқаро бозорда бажонидил сотиб олинмоқда. Пишиқ-пухталиги, равонлиги, тащқи кўриниши жиҳатидан ҳеч бир мамлакатнинг пахтаси бизнинг пахтамизга тенг кела олмаслигини кўпгина чет эл фирмалари тан олмоқда. Совет пахтасининг обрўсини мустаҳкамлаш ва оширишни, тўқимачиларга ундан энг кўркам олий сифатли газламалар тайёрлаш имкониятини беришни пахта тозаловчилар ҳам ўз бурчлари деб биладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор ишчилари, ип йигирувчилардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Жўраева, Л. Герасимова ва тўқувчи В. Солдатова Аҳмаджон Валиевнинг даъватини қўллабқувватлаб, пахта тозалаш саноати ходимларидан толанинг ифлосланишини камайтиришни ва уни чигитдан ажратиш вақтида йигирув хусусиятларини камайтирмасликни илтимос қилмоқдалар. Сурхондарёнинг кекса пахта тозаловчиси, Денов заводининг смена мастери, Ленин ордени кавалери М. Ҳамидовнинг жавоб мактубида шу масала хусусида баён этилган фикрга биз тўла-тўкис қўшиламиз.

Биз ўртоқ Ҳамидов даъватини қабул қилиб, қисқа муддат ичида унинг мазмунини заводимиз ва тайёрлов пунктларимиздаги ҳар бир кишига тушунтирдик. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маъмурият коллектив аъзоларини ўз вазифаларини юксак масъулият билан бажариш, сифат учун курашни ҳар бир мутахассис, ҳар бир ишчининг жонажон ишига айлантириш руҳида тарбияламоқдалар. Пахта тозалаш саноатининг бош вазифасини — фақат аъло сифатли тола ишлаб чиқариш вазифасини бажариш учун бутун бизнинг заводимизда техника базаси тўла-тўкис яратилган. Тайёрлов пунктлари пахтани қабул қилиш ва ғарамлаш учун қўшимча машиналар билан таъминланди. Технология лабораториялари зарур приборлар билан тўлиқ таъминланди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан биргаликда далалардаги пахтани графикка аниқ рноя қилган ҳолда тайёрлов пунктларига элтиб бериш ташкил этилди, транспортнинг бекор туриши тугатилди.

КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш йўлидаги социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш асосида коллективимиз ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар — 1975 йил планини ҳамма техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 5 декабрь — СССР Конституцияси кунигача, 1976 йил январь-февраль топширигини — съезд очиладиган кунгача бажариш, ҳамма маҳсулотни фақат аъло сифатли қилиб ишлаб чиқариш, толани чигитдан ажратиш вақтида унинг йигирув хусусиятларини камайтирмаслик мажбуриятини олади.

Азиз ўртоқлар, пахта тозалаш саноатининг ходимлари! Мамлакатимиз ва қардош социалистик мамлакатлар тўқимачилик саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари ходимларини юқори сифатли хом ашё билан тўла-тўкис таъминлаш учун ҳамма ишларни қилиш — бизнинг бурчимиздир. Биз технологня интизомига қатъий рноя қилишимиз, жамики пахтадан самарали фойдаланишмиз ва «Камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик!» деган шиор остида ишлашимиз лозим.

Биз олган мажбуриятларимизни муваффақиятли бажариш учун бутун куч ва ғайратимизни ишга соламиз ва жонажон Коммунистик партиямиз XXV съездини муносиб кутиб оламиз.

АЛИМКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРДАГИ УМУМИЙ ИЙҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

ДОН—ДАВЛАТГА!

Республикамиз областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стув — областлар; иккинчи стув — мавсум бошидан буён топширилган дон; учинчи стув — бир кунда (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Андижон	101,7	—
Фарғона	90,9	0,7
Самарқанд	75,8	0,9
Қашқадарё	70,3	0,1
Тошкент	63,7	0,2
Наманган	63,5	0,4
Сурхондарё	60,6	0,8
Сирдарё	58,4	0,1
Жиззах	35,4	0,2
Бухоро	32,7	0,1
ҚҚАССР	18,7	1,7
Хоразм	14,9	1,3
Республика бўйича:	49,9	0,7

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ички ишлар министрининг ўринбосари, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Жанубий Вьетнам Республикаси комитетининг раиси Нгуен Нгок Тхионг бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегацияси Тошкентга келди. Делегация Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти кенгашининг XII сессияси ишида қатнашган эди.

24 сентябрь куни делегацияни Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташки ишлар министри М. Т. Турсунов кабул килди.

Жанубий Вьетнам Республикасидан келган меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалига бордилар, республика ички ишлар министрлигида бўлдилар, Узбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. (ЎзТАГ).

Тошкентда илмий конференция

24 сентябрь куни Тошкентда очилган илмий конференцияга «Ленинча миллий сиёсат тантанаси ва ҳозирги замон идеология кураши» мавзу қилиб олинди. Конференцияда Москва, Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон, Закавказье республикаларининг таниқли олимлари, шунингдек партия ва комсомол комитетлари, «Билим» жамиятининг пропагандистлари ва лекторлари, Узбекистон ижодий ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқдалар.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиков кириш нутки сўзлаб, конференцияни очди.

Академик М. Б. Митин «СССРда миллий масалани ленинча ҳал қилиш диалектикаси ва совет халқи янги тарихий моҳиятининг ривожланиши» мавзуида доклад килди.

Докладчи В. И. Ленининг миллий масалани ишлаб чиқиши ва ҳал этиши материалистик назарияни қўллаш ва ривожлантириш намунаси эканлигини айтгач, партиямиз социалистик революцияга миллий масала юзасидан муфассал ишлаб чиқилган программа билан кирди, деди. Совет ҳукуматининг ушбу программани амалга ошириш борасидаги барча фаолиятлари юксак принципиаллик, назарий чуқурлик, изчил интернационалистик мазмуни билан фарқ қилиб турди. Бундаги энг муҳим иш — миллатлар ўртасида тўла ишончни яратиш ва шунга эришиш зарурати тўғрисидаги, Совет Иттифоки миллат ва элатлари ўртасида амалий тенгликни таъминлаш тўғрисидаги Ленин кўрсатмаларини амалга оширишдан иборатдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССРнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналн мажлисда қилган докладида таъкидлаб ўтганидек, «миллий зулм ва тенгсизликнинг ҳамма оқибатларини бартараф этиш учун қатто жуда яхши, жуда адолатли қонунларни қабул қилишнинг ўзи кифоя қилмаслигини партиямиз яхши тушунар эди. Аввало, илгари эзилиб келган миллатлар ва элатларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини бартараф этиш керак эди. Бошка сўзлар билан айтганда, миллатларнинг юридик тенгсизлигини бекор қилишнинг ўзи кифоя қилмас эди, улар ўртасидаги ҳақиқий тенгсизликни ҳам тугатиш лозим эди».

Партиянинг совет халкини янги тарихий жамоа деб олга сурган қоидаси мамлакатимизда социалистик тузумни ривожлантиришдаги муҳим боскични тўғри ва чукур таърифловчи марксизм-ленинизм назариясининг ижодий тараққиётидан иборатдир.

1975 йилнинг бошланишигача СССРдаги жами аҳолининг 85 процента Улуғ Октябрдан кейин туғилган кишилардан иборат эканлиги диккатга сазовор бўлса керак. Янги тарихий жамоа сифатида совет халқи катта кўпчилиги совет тузуми шароитларида ўсган ёш халқ, совет тузуми ва Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган халкдир. Иктисодий, сиёсий ва маданий жихатдан ҳамма миллат ва элатлар амалда тенглик шароитларида яшаётган халқ, эркаклар билан хотин-кизлар ўртасида тўла тенгликни амалга оширган халкдир.

Совет Иттифокининг халқлар бирлиги ва қардошларча дўстлиги ленинча сиёсатини амалга оширишда эришган муваффақиятлари барча прогрессив инсониятни қувонтиради, империалистлар билан уларнинг гумашталарини ғазабнок қилади. Докладчи буржуазия пропагандасининг кўпорувчилик фаолиятини муфассал анализ килиб чиккач, унинг асосий йўналишларини айтди, буржуазия идеологларининг коммунистик қурилиш жараёнини коралаш, ленинча миллий сиёсат обрўсини тўкиш, Совет Иттифоки тажрибасининг жозиба кучини бўшаштириш максадларидаги ҳамма уринишларига қатъий зарба бериш зарурлигини уқтирди. Узбекистон олимларининг шу сиёсатнинг буржуа ва ревизионист сохтакорларини жиддий асосли танқид килган, уларнинг Урта Осиё республикалари ва жумладан Узбекистон тўғрисидаги туҳматчилик уйдирмаларини фош килган асарлари мактовга сазовордир. Мана шу асарларда ифода этилган Совет Узбекистони ҳаётининг ҳамма томонлари равнак топганлиги манзараси чуқур таассурот қолдиради ва социализм халқ оммасига парвоз қилиш учун қанот бериши, барча меҳнаткашларнинг шодлиги ва бахт-саодати учун реал шарт-шароитлар яратиши тўғрисидаги фикрни яна бир карра тасдиклайди.

Совет халкининг онги, жони, виждони бўлмиш партиянинг раҳбарлик роли ошиб бораётганлиги ҳаётимиз, жамиятимизнинг энг муҳим қонуниятидир, — деди пировардида докладчи. — Совет Иттифоки Коммунистик партияси ва унинг жанговар авангарди — Узбекистон Коммунистик партияси КПССнинг XXV съездига жуда катта ютуклар билан бораётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Узбек халкининг, серкуёш республикада яшаётган барча халқларнинг қаҳрамонона меҳнати билан тобора гўзаллашиб бораётган ажойиб Узбекистон диёрида турган биз олимлар ҳам шу муваффақиятларни кўриб, сезиб турибмиз, уларга сидқидилдан қойил қоляпмиз.

Академик М. Б. Митин конференциянинг барча қатнашчилари номидан Узбекистон меҳнаткашларига коммунистик қурилишда, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақада янги-янги муваффақиятлар тилади.

Мажлисда: Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. К. Нурмуҳамедов «Адабий мерос ва идеологик кураш» мавзуида, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. А. Ражабов «СССРда миллий давлат қурилиши юзасидан антикоммунизм реакцион моҳиятини танқид қилиш» мавзуида, тарих фанлари доктори Д. М. Маллабоев (Фрунзе) «Илгари колок халқлар иқтисодий ва маданий даражасидаги амалдаги тенгсизликни тугатиш — КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси» мавзуида, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. М. Хайруллаев «Совет Ўрта Осиёси халқлари маданиятининг равнаки ва буржуа соҳталаштирувчиларини танқид қилиш» мавзуида килган докладлари ҳам тингланди.

Москва, Тошкент ва бошқа шаҳарлар илмий ташкилотларининг вакиллари муҳокама этилаётган проблеманинг турли масалалари юзасидан ахборот бердилар.

Илмий конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

КУН ТАРТИБИДА—БИЛИМ ПРОПАГАНДАСИ

24 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленнесининг пленуми бўлиб ўтди. Жамият правленнеси раисининг биринчи ўринбосари, тарих фанлари доктори Қ. Ф. Фозилхўжаев ушбу ташкилот ишининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тўғрисида доклад қилди.

Пленум аҳолининг турли табақалари орасида сиёсий ва илмий билим пропагандасини ҳар томонлама кучайтириш борасида кўриладиган тадбирлар катта планини белгилади.

Динга қарши ишларни ҳамда янги урф-одатлар пропагандасини янада кучайтириш чоралари ҳам муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан жамият правленнеси раисининг ўринбосари профессор А. А. Ортиқов нутқ сўзлади.

Пленумда ташкилий масала ҳам муҳокама қилинди. Республика Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленнесининг раиси қилиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правленнеси раисининг ўринбосари В. П. Маслин қатнашди.

Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, жамият ташкилотлари лекция пропагандасини такомиллаштириш, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, халқлар дўстлиги ленинча ғояларини тушунтириш соҳасида кўп иш қилдилар. Лекция пропагандаси самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқлари тўғрисида ёрқин ва тушунарли равишда ҳикоя қилиб бериш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада ўз вазифаларини чуқур тушуниб олишда шаҳар ва қишлоқ меҳнатчиларига кўмаклашиш — жамиятнинг ғоят муҳим вазифасидир. (ЎзТАГ).

ИНТЕРЭЛЕКТРО МУТАХАССИСЛАРИ КЕНГАШМОҚДАЛАР

Тошкентда Узаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар электрокабель саноати мутахассислари — интерэлектро 5-иш группасининг тўртинчи мажлиси очилди. Мажлисда Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша, Руминия, Совет Иттифоки, Чехословакиядан келган шу соҳанинг етакчи мутахассислари, таниқли олимлари, раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Мажлис қатнашчилари ҳар бир давлатнинг электрокабель саноати маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини яхшироқ таъминлаш максадида ишлаб чикаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни кучайтириш масалаларини муҳокама килмоқдалар.

Мажлис 27 сентябргача давом этади. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ-ИВАНОВО

Иваново области ва Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалин дўстлиги қора тупроқли бўлмаган зонани янгилаш программасини амалга оширишга ёрдам бермоқда. Илғор тажриба кенг баҳам кўрилмоқда, янги совхозлар барпо этилди. Тошкент — Иваново маршрути бўйлаб дўстлик эшелонлари етиб келмоқда.

Ўзбек мелиораторларининг биринчи группаси Иваново областига самолётларда етиб келди. Бу воқеа ўтган қишда бўлган эди. Аэровокзалнинг ўзида қисқа митинг бўлиб ўтди. Тўқимачилик ўлкасининг меҳнатчилари қора тупроқли бўлмаган зонани янгилашда қатнашиш истагини билдирган Мирзачўл забткорларини қучоқ очиб, хурсандчилик билан кутиб олдилар. Иваново областида «Ивановоирсовхозстрой» трестини тузиш тўғрисида Ўзбекистонда қарор қабул қилиниб, унинг олдига маҳаллий мелиораторлар билан биргаликда ерларнинг самарадорлигини ошириш учун кураш олиб бориш вазифаси қўйилганлиги ҳаммани қувонтирди.

Қардош республика билан биз кўпдан бери мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлаб келмоқдамиз. Область ўлкашунослик музейининг залларидан бирида Бухоро амирининг кимхоб тўни, унинг қиличи томоша қилиш учун қўйилган. Бу буюмлар қандай қилиб Ивановога келиб қолган? — дерсиз. Урта Осиё халқларининг босмачиларга ва ок бандитларга қарши революцион курашида қатнашган тўқимачилик ўлкасининг вакили — Михаил Васильевич Фрунзе Туркистон фронтидан шу буюмларни 1920 йилда музейга ўлжа қилиб юборган эди. Қонхўр амир галаларини қўлларига қурол олиб тор-мор этган Иваново-Вознесенск қизил тўқувчилари сўнмас довруқ ёйдилар.

Коллективлаштириш даврида қардош республика меҳнаткашларига Иваново ишчилари катта ёрдам бердилар. Улар Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун кўп куч сарфладилар.

1929 йилда вужудга келган «Минглар шартномаси» бутун мамлакатга маълум. Уни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев халқ ташаббусининг чашмаси, жамиятимиз ҳаётий кучининг битмас-туганмас манбаи деб атади.

Бизнинг давримизда «Минглар шартномаси» шиори остидаги меҳнат беллашуви мислсиз кенг қулоч ёйди. Шонли ўтмиш ҳозирги кунимизда яшамоқда. Келажакка озиқ бермоқда. Республика деҳқонлари янги пахта ҳосилининг дастлабки эшелонларини мусобақада беллашаётган дўстлари—Иваново тўқимачиларига юбориши анъана бўлиб қолди. Ўзбек пахтасининг етмиш проценти бизнинг областимиз фабрикаларида қайта ишланиб газламага айлантирилмоқда.

Қора тупроқли бўлмаган зона қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг улуғвор программасини амалга оширишда Ўзбекистон мелиораторларининг иштирок этиши — ленинча миллий сиёсат тантанасининг янги ёрқин саҳифасидир.

«Главсредазирсовхозстрой» коллективи бизнинг областимизда «Главнечерноземводстрой» қурилиш индустриясининг қудратли базасини — тўртта таянч база, кўчма механизациялашган колонналар, катта «Ўзбекистон» совхозини лойиҳалаш ва қуришни ўз зиммасига олди. Бу хўжалик ҳозир областда етиштирилаётган сабзавотнинг деярли ярмисини етиштирадиган ва ҳар йили мамлакатга 10 минг тонна сут берадиган бўлади.

Ўзбек мелиораторлари бошқа объектларни ҳам қуришга қарор бердилар. Улар жами 60 миллион сўмдан иборат катта маблағни ўзлаштиришлари керак. Мирзачўл ва Қарши даштидан бу ерга одамлар тушган техника, материаллар, асбоб-ускуналар ортилган эшелонлар келиб турибди. Ишлар кўлами кун сайин кенгаймоқда. Левитаннинг унутилмас полотноларида қойилмақом қилиб тасвирланган Волга бўйидаги Плёс шаҳарчасининг қадимий сокин кўчаларида Тошкент номер белгилари қўйилган юк машиналари пайдо бўлди. Плёс шоферлари тавозе билан уларга йўл берадилар. Чунки улар Ўзбекистондан юборилган машиналар рулини бошқараётган буғдой ранг йигитлар «Ўзбекистон» совхози қурувчиларига аталган юкларни тезроқ этиб беришга ошиқаётганликларини биладилар. Хўжалик ерлари Волгадан оби-ҳаёт олади. Янги совхоз ерларининг ярмиси — уч минг гектари суғориладиган бўлади.

Қидирув группасининг штаби Волга бўйидаги уйчада жойлашган. Офтобда қовжираб ётган ерларни кўришга ўрганиб қолган ўзбекистонлик кишилар Волганинг улуғворлигига қойил қолмоқдалар: Бу — бутун бир денгизку!— дейишмоқда улар. «Средазгипроводхлопок» институти қидирув группасининг Юрий Владимирович Ульянов бошчилигидаги мутахассислари ҳамма ишларни тезроқ адо этишга ҳаракат қилмоқдалар. Куни кеча Тошкентдан геолог Анатолий Иванович Галкин учиб келди. У Қарши даштидан кишилар тушган ва техника ортилган эшелон йўлга чиққанлигини айтди. Совхоз объектларини қуриш лозим бўлган 35-кўчма механизациялашган колонна бугун-эрта етиб келади. Ишларни жадаллаштириш керак.

— Бизга бу янгилиги айтган Анатолий Иванович Галкин икки хўжалик: бизнинг областимиздаги «Ўзбекистон» совхози ва Мирзачўлда қурила бошлаган «Иваново» совхози қурилишига бошчилик қилмоқда.

Бу хўжаликлар кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлади. Бу ерда ҳам, у ерда ҳам обод посёлкалар қад кўтаради. Ишчилар ва мутахассисларнинг уйларида шаҳардаги қаби ҳамма қулайликлар мужаҳ бўлади. Посёлкага кираверишда сизни чойхона кутиб олади. Дарҳақиқат, чойхонаси бўлмаса, уни «Ўзбекистон» совхози деб атаб бўладими, ахир. Аммо чойхона — миллий бир хусусият холос, 1976 йилнинг ўзидаёқ сабзавот экишга мўлжалланган 500 гектар ерга сув чиқарилиши керак. Тупроқшунос инженер Акром Бокиев бу ерларни текшириб бўлди. Гидрогеологлар ҳам ишни тамомлашди. Уларнинг ҳаммаси бу ерларда мўл ҳосил етиштирилишига аминдирлар. Ўзбек ирригаторлари бу соҳада бой тажриба орттиришган. Бу тажриба қурилишдагина эмас, шу билан бирга суғориш системаларини ишлатиш вақтида ҳам қўл келади.

Ишларнинг кўлами қандайлигини шундай бир факт яққол кўрсатиб турибди: учинчи кварталнинг ўзидаёқ бутун ўтган йилга қараганда кўпроқ ерларни суғориш ва захини кетказиш керак. Бу — осон вазифа эмас, аммо биргалашиб уни тезроқ ҳал этса бўлади. Леонид Ильич Брежнев Олмаотада сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, «Биз ҳозиргача ҳал этилганига нисбатан ҳам муҳимроқ вазифалар олдимизда турганлигини назарда тутишимиз лозим». Бу эса куч ва имкониятларни ўн қарра ошириди, қийинчиликларни бартараф этиш, мураккаб проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиш имконини беради.

Ивановоликлар дўстларидан қарздор бўлиб қолмайдилар: Ўзбекистондаги «Иваново» совхозига йўл олган «Воскресенский» совхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. С. Путятин қўл меҳнати ишлатмай картошка етиштириш тажрибасини ўргатади. Бу хўжалик учун дондгор картошкакор қўлланаётган машина ва механизмлар тайёрланди. Иваново қишлоқ хўжалиги институтида Ўзбекистондаги «Иваново» совхози юборган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар.

Мамлакат қора тупроқли бўлмаган зонадаги колхоз ва совхозлар экономикасини ривожлантиришга катта маблағ ва моддий ресурслар сарфлаётганлиги бизнинг кадрларимиздан ишларни омилкорлик билан, истиқболни кўзлаб олиб бориш маҳоратини, олимлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг ютуқларидан фойдаланишни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустриал асосда ривожлантириш соҳасида пойтахт областида бой тажриба орттирилди. Москва ва Иваново область партия комитетларининг бюролари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг РСФСР қора тупроқли бўлмаган зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш соҳасида иккала область қишлоқ меҳнатчиларининг ижобий ҳамдўстлиги тўғрисида биргаликда қарор қабул қилдилар. Москва областидаги энг яхши сабзавотчилик хўжаликлари билан Ивановодаги «Овошчепром» трестининг совхозлари ижодий ҳамдўстлик тўғрисида шартномалар тузишди. Пойтахт областининг илғор хўжаликлари базасида оммавий касб кадрларини тайёрлаш ташкил этилади. Москва областида ҳар йили бизнинг областимиздаги йигирма совхоз директори ва хўжаликларимизнинг 80 мутахассиси тажриба ўрганиб келадиган бўлади. Москвадаги «Петровское» совхозининг чорвадорлари Ивановода йирик сутчилик комплекси қурилаётган «Дружба» совхозини оталиққа олдилар. «Мособлстрой» бош бошқармаси Тейков қишлоқ қурилиш комбинатини барпо этишга мадад ва амалий ёрдам бериш мажбуриятини олди.

«Мосгипроводхоз» институти билан Москва область мелиорация ва сув хўжалиги бошқармаси Иваново районидаги «Новий путь» колхозида 700 гектар ерни суғоришнинг лойиҳа-смета ишларини ишлаб чиқмоқда.

Айни вақтда «Сельхозтехника» Иваново область бирлашмасининг корхоналарида Москва области колхоз ва совхозларининг тракторлари ремонт қилинади, картошка етиштиришнинг «Воскресенский» совхозида жорий этилган инсон қўли картошкага тегмайдиган янги технологияси ва машиналар системаси пойтахт картошкакорларига тортиқ қилинади.

Деҳқонлар меҳнати ва турмушининг характеригина эмас, шу билан бирга деҳқонлар психологиясининг ўзи ҳам ўзгариб бормоқда. Узаро кўмаклашиш, ўртоқларча ёрдам, қора тупроқли бўлмаган зона ерларини ўзлаштириш программасини амалга ошириш учун бўлган масъулиятни жуда яхши тушуниш одамларнинг кучига куч қўшмоқда. Бу эса муваффақиятларнинг калитидир.

Г. РАЗУМОВ,
КПСС Иваново область комитетининг секретари.
(«Советская Россия» газетаси).

«КОСМОС-769» ПАРВОЗДА

1975 йил 23 сентябрда Совет Иттифокида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-769» учирилди.

Йўлдошда космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялашҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

БИЗНИНГ СУҲБАТ

МУҲИМ МАВЗУ

Тошкентда «Ленинча миллий сиёсат тантанаси ва ҳозирги замондаги ғоявий кураш» мавзуида илмий-конференция иш бошлаганлиги муносабати билан мухбиримиз СССР Фанлар академиясининг академиги М. Б. МИТИНдан конференция хусусидаги фикрини сўради. Таниқли олим суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди.

Конференцияга «Ленинча миллий сиёсат тантанаси ва ҳозирги замондаги ғоявий кураш» мавзуининг танланиши бежиз эмас. Партиямиз, совет халқи КПСС XXV съездига тайёрланмоқда. Партиянинг бўлажак съезди Совет Иттифоқининг коммунистик жамият қуриш йўлида, халқ фаровонлигини ошириш ва тинчлик учун курашда эришилган улкан ютуқларини акс эттиради. Съездда бутун совет халқининг коммунистик қурилишда қўлга киритган муҳим ютуқлари қайд қилинади.

Маълумки, ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши туфайли иттифоқдош республикалар ҳаётида улкан социал-иқтисодий ўзгаришлар юз берди, халқлар турмуши фаровонлашди, маданияти юксак поғонага кўтарилди. Булар ленинча миллий сиёсат ютуқларидир.

Табиийки, мазкур конференция олимлар олдига ленинча миллий масаланинг ҳал этилиши Ўрта Осиё республикалари халқларига нима берганини кўрсатиш ва миллий сиёсат тантанасини назарий асослаб бериш вазифасини кўяди. Ленин ўзининг буюк таълимоти билан халқлар йўлини ёритди. Ленининг ғолиб байроғи остида, ленинизм таълимотидан шуур олган халқлар ана шу йўлдан порлоқ истиқбол сари — янги жамиятнинг нурафшон масканига бормоқдалар.

Конференциянинг Тошкентда чақирилиши ҳам бежиз эмас. Чунки Тошкент СССРдаги барча республикалар халқларининг ёрдами билан қайта тикланди. Янада обод ва кўркам шаҳар бўлиб қолди. Тошкент СССР халқлари дўстлигининг чинакам рамзидир.

Конференцияга тақдим этилган докладлар мазмуни кенг ва ранг-баранг. Ленин ғоялари тантанасининг назарий умумлашмаси, «антисоветизм» танқиди, интернационализм ва Ўрта Осиё республикаларида маданий ҳаётнинг равнақи—конференциянинг асосий мавзуларидандир. Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон таниқли олимларининг конференциядаги маърузалари буржуа сохталаштирувчиларига қарши кураш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилади. Биз, москвалик олимларни конференцияга таклиф этганликлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қизғин ташаккур билдирамиз. Конференция ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ва ижтимоий фанлар ривожига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми филология фанини ривожлантириш ва олий малакали педагог кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Т. Г. Шевченко номли Нукус давлат педагогика институти тарих-филология факультетининг декани, филология фанлари доктори, профессор Сироҳиддин Аҳмедович **Аҳмедов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тарих фанини ривожлантириш ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Н. Довқораев номли тарих, тил ва адабиёт институти сектор мудири, тарих фанлари доктори, Ризамбет **Косбергенов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл шаҳридаги Луначарский номли ўрта мактаб ўқитувчиси Амина Йўлдошевна **Мамутова**га ва Ия Всеволодовна **Смирнова**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалигида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги чорвачилик маҳсулотларини саноат негизида ишлаб чиқариш бош бошқармаси («Узглавживпром») бошлиғи Леонид Павлович **Бутиков**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Узглавводстрой» системасида кўп йиллар, бенуқсон ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Альберт Давидович **Каприелов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XXX СЕССИЯСИДА

А. А. ГРОМИКО НУТҚИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 сентябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеяси XXX сессиясининг бугунги ялпи мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико нутқ сўзлади.

Ҳозирги сессия ўтаётган вазиятнинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, деди А. А. Громико, халқаро кескинликни юмшатиш жараёни тобора кенг қўлам касб этиб, кескинликни юмшатишнинг ўзи конкрет мазмун билан тобора қўпроқ бойиб бормоқда. Гарчи сиёсий иқлимни яхшилаш жараёнига ҳамон турли-туман, кўпинча бир-бирига зид омиллар таъсир ўтказиб келаётган бўлсада, кейинги йил мобайнида анча мустаҳкам тинчлик йўлида янги муҳим қадам қўйилди, деб дадил айтиш мумкин.

СССРнинг тинчликсевар ташқи сиёсати, социализм сиёсати шу мақсадга — халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган. Совет Иттифоқи КПССнинг XXIV съезди Тинчлик программасида баён этилган шу йўлдан борди, халқаро вазиятни тубдан яхшилашнинг актив қатнашчиси ва кўп ҳолларда ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқда.

СССРнинг принципиал ташқи сиёсат йўли совет Коммунистлар партиясининг келаси йил бошларида бўладиган XXV съезди қарорларида тасдиқланиб ва ривожлантириб берилиши шубҳасиз, деди А. А. Громико. Тинчлик учун, халқларнинг миллий мустақиллиги ва социал тараққиёти учун курашаётган ҳамма кишилар бундан буён ҳам бизнинг бирдамлигимизга ва актив мададкорлигимизга умид боғлаб беришлари мумкин.

Бу йил, деди сўзини давом эттириб А. А. Громико, халқларнинг хотирасида Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлиққа бағишланган кенгаш тугалланган йил бўлиб ўрнашиб қолади. Хельсинкида Европанинг 33 мамлакати, АҚШ ва Канаданинг олий мартабали раҳбарлари чеккан имзолар билан тасдиқланган кенгашнинг якунловчи акти — замонамизнинг энг буюк ҳужжатларидан биридир. Кенгаш қатнашчилари зўр коллектив куч-ғайратлар туфайли муҳим натижаларга эришишга муваффақ бўлдилар, ана шу натижалар якунловчи актда аниқ-равшан қайд этилди. Кенгашнинг якунлари ундаги ҳамма қатнашчилар манфаатларининг пухта ўйлаб мувофиқлаштирилган мувозанати бўлиб, ҳаммага мақбул аҳдномалар ва асосли равишда келишиб олинган битимларнинг ифодасидир. Л. И. Брежнев Хельсинкидаги нутқида таъкидлаб ўтганидек: «Узоқ давом этган музокараларнинг натижалари шу бўлдики, унда голиблар ва мағлублар, наф кўриб қолганлар ва маҳрум бўлиб қолганлар бўлмади. Бу — ақл-идрокнинг ғалабаси бўлди. Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, иттифоқларда қатнашувчи социалистик ва капиталистик давлатларнинг, бетараф, кичик ва катта давлатларнинг халқлари: ҳамма ютиб чиқди. Бу — планетамизда тинчлик ва ҳавфсизликни қадрловчи ҳамма кишиларнинг ютуғи бўлди». Совет Иттифоқи кенгаш якунларини юқсак баҳолаш билан бирга, эришилган аҳдномаларни амалга ошириш, мустаҳкам тинчлик учун курашда янги марраларга эришиш — асосий мақсад деб ҳисоблайди. Совет Иттифоқи шу йўлдан ҳаракат қилиб келди ва бундан буён ҳам ҳаракат қиларади. Биз бошқалардан ҳам шундай ҳаракат қилишларини кутамиз.

1975 йил тарихга Ҳинди-Хитой халқлари одилона ишининг тантанаси бўлиб киришига ҳеч ким шубҳаланмаса керак. Салкам ўттиз йил мобайнида мустамлакачиларга қарши, агрессияга қарши шу халқлар олиб борган озодлик кураши зафар билан якунланди.

Узоқ давом этган курашда ўз суверенитети ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган Вьетнам Демократик Республикаси билан Жанубий Вьетнам Республикаси шу ҳаҳоншумул ташкилот доирасида ҳам халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишида сарфланаётган куч-ғайратларга ҳисса қўшишга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. ВДР билан ЖВРнинг қабул қилиниши БМТ Уставининг юксак мақсадлари ва принципларига тўла-тўкис мос бўлиб тушишига аминмиз. Совет Иттифоқи шу мамлакатлар ҳукуматларининг тегишли илтимосини қўллаб-қувватлайди. Тинчлик позицияларида турган мамлакатларнинг вакиллари БМТнинг бундай қарор қабул қилишидан хавфсирамасликларига лозим.

Ҳинди-Хитойдаги вазиятнинг тубдан ўзгариши, деди А. А. Громико, умуман Осиёда тинч ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ана қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Бу йўлдаги амалий қадамлар етилган проблемаларни бартараф этиш, бутун Осиё қитъасидаги хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилган бўлур эди, бу эса Европадаги сингари катта ва кичик ҳамма манфаатдор давлатларнинг коллектив бўлиб куч-ғайрат сарфлашларини талаб қилади, албатта.

Кейинги вақтларда жаҳондаги воқеаларнинг бутун бориши, — деди сўнгра А. А. Громико, реаллик заминида — халқар манфаатларига мос бўлиб тушадиган умидбахш реаллик заминида турган ҳамма кишиларнинг: турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатигина халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб аллақачонлар чиқарган хулосасини тасдиқлайди.

Совет Иттифоқига келганда, Ленин васиятларига содиқ бўлган бизнинг мамлакатимиз бу принципларнинг халқаро муносабатлардаги ҳамма эътироф қилган нормалар сифатида янада мустаҳкамроқ тасдиқланиши учун тинимсиз кураш олиб бормоқда. Зотан бизнинг бошқа социал системага мансуб мамлакатлар билан ўзаро муносабатларимизда бизнинг манфаатларимизга ҳам, шунингдек тегишли битимлар ва аҳдномаларда қатнашган шерикларимизнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушадиган бирталай ижобий жиҳатлар бор. Бу нарса, жумладан, Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларнинг кейинги йилларидаги ривожида ўз ифодасини топди, бу эса умуман дунёдаги вазиятга яхши таъсир ўтказмоқда.

Шундай қилиб, ўтган йилда ижобий характердаги катта-катта халқаро воқеалар содир бўлди, деди сўзини давом эттириб А. А. Громико. Шу — Яқин Шарқдаги аҳволни умуман бартараф этишнинг таркибий қисмидир. Буни ҳозир исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, бинобарин, сиёсатдонлар ўзларини бунга пайқамаслиққа солишлари мумкин эмас.

Совет Иттифоқи ўз қонуний ишини ҳимоя қилаётган араб мамлакатлари билан дўстлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Бу дўстлик чуқур илдиз отган, бинобарин, биз бирон кимса бу дўстликни қўпоришга муваффақ бўла олмайди, деб ўйлаймиз. Совет Иттифоқи эса, бундан буён ҳам шу дўстликни одилона ва принципиал асосда мустаҳкамлаш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилади.

Кипрдаги ва унинг теварагидаги вазият ҳануз мураккаб бўлиб турибди. Совет Иттифоқи Кипр Республикасининг мустақиллигини ва территориал бутунлиги ҳимоя қилишишни, ороллдаги ҳамма ажнабий қўшинлар олиб чиқиб кетилишини ва икки жамоа — греклар ва турклар жамоаси ўз давлатининг ички ишларини мустақил ҳал этишини изчиллик билан талаб қилиб келмоқда.

Вақтинчалик ярашнинг мўрт ҳолати Корея ярим оролидаги вазиятнинг пухта стабиллигини мутлақо таъминлай олмайди. Ярим ороллда мустаҳкам тинчликни қарор топтириш, Кореяни тинч бирлаштиришни жадаллаштириш учун шарт-шароит яратиш зарурлиги аллақачон пишиб етилган.

Корейс халқининг ички ишларига ташқаридан бўлаётган аралашувни тўхатиш ва аввало, БМТ байроғи остида Жанубий Кореяда турган ҳамма ажнабий қўшинларни у ердан олиб чиқиб кетиш, шунингдек сулҳ шартномаси тузиш шу мақсадларга мос келган бўлур эди. Шу тадбирларнинг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш — БМТнинг бурчидир.

Дунёдаги кескинликни юмшатиш жараёни, бу жараённи ривожлантириш мантиқининг ўзи қуролланиш пойгасини жиловлаш зарурлиги масаласини жуда кескин қилиб ўртага қўймоқда, деб таъкидлади сўнгра А. А. Громико. Шу муносабат билан биз СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини чеклаш юзасидан янги узоқ муддатли битим ишлаб чиқиш мақсадида ҳозир олиб борилаётган музокараларга муҳим аҳамият берямиз. Шу билан бирга, деб таъкидлади А. А. Громико, инсоният қуролланиш пойгасини тўхатишга ёки лоақал унинг суръатларини тезлаштириш секинлатишга ҳамон муваффақ бўлгани йўқ. Қуролланиш пойгаси урушнинг тобора кўпроқ вайрон келтирувчи воситаларини яратиш йўлида ҳам, шунингдек қурол-яроғларнинг умумий ҳазинасини кўпайтириш йўлида ҳам тинимсиз давом этмоқда.

Қуролсизланиш йўлида кураш олиб бориш Совет Иттифоқи учун ўз ташқи сиёсат йўлининг доимо таркибий қисми бўлиб келди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади. Биз қарама-қарши бўлиб туриш айниқса хатарли бўлган районларда ҳарбий қарама-қаршиликни бўшаштиришга муҳим аҳамият берямиз. Ҳозир Умумевропа кенгаши тугагандан кейин Марказий Европада қуролли кучлар ва қурол-яроғларни ҳеч кимнинг хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда қисқартириш тўғрисида бир битимга келиш йўлини топиш энг муҳим вазифалардан биридир.

Совет Иттифоқи Бош Ассамблея XXVII сессиясининг халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва айни вақтда ядро қуролини қўлланишни абадий тақиқлаш тўғрисидаги резолюцияси амалга оширилиши учун муттасил курашиб келмоқда. Совет Иттифоқи ўртага қўйган бошқа бир масала — Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетларни қисқартириш тўғрисидаги масала ҳам ўз аҳамиятини тўла-тўкис сақлаб қолмоқда. Табиий муҳитга таъсир ўтказишнинг ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай ғанимлик воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида тезроқ халқаро конвенция тузилишини муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бошқа ишларда бўлгани каби қуролсизланиш соҳасида ҳам Совет Иттифоқи реалистик иш тутиш принципига амал қилмоқда. У қуролсизланишнинг ҳамда қуролланиш пойгасини чеклашнинг ҳаммага мақбул аҳдномаларга эришиш йўлини топиш амалда эришса бўладиган вазифага айланадиган участкаларини доимий равишда қидирмоқда.

Шу билан бирга биз ялпи ва батамом қуролсизланишдан иборат бош мақсадни ҳеч қачон назардан четда қолдирганимиз йўқ. Бизнинг фикримизча бу проблема қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясининг диққат марказида бўлиши лозим, бу конференцияни чақириш ғоясини БМТ маъқуллаган. Конференцияга тайёргарлик ишларини тугаллаш ва уни чақириш учун кучғайрат сарфлаш вақти келди.

Совет Иттифоқи делегацияси, деди сўнгра А. А. Громико, қуролсизланиш проблемасининг икки жиҳатига эътиборни жалб қилишни истайди. Шу жиҳатлар хусусида жуда қисқа вақт ичида қарор қабул қилинниши лозимлигига ва амалий жиҳатдан мумкинлигига бизнинг ишончимиз комил.

Фан ва техника гўркираб ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда у ёки бу мамлакатда оммавий қирғин қуролининг янги турлари, янги системалари вужудга келиб қолиши мумкин. Булар ҳозирги қурол-яроғлардан ҳам янада даҳшатлироқ бўлиб чиқиши эҳтимолдан ҳали эмаслигини бемалол айтиш мумкин.

Шуларнинг ҳаммасини эътиборга олмасдан бўлмайди. Бунинг устига ҳозиргача яратилган у ёки бу қуролни давлатларнинг аслаҳахонасидан чиқариб ташлаш нақадар қийинлиги, бинобарин, унинг янги турлари пайдо бўлишига олдиндан йўл қўймаслик нақадар оқилона ва ишончли бўлиши яхши маълум. Агар воқеаларга шундай позициялардан туриб назар ташланса, оммавий қирғин қуролининг янги турлаби ва янги системаларини вужудга келтириш тақиқлаш мақсадида самарали чоралар кўрилиши зарурлиги ва актуаллиги мутлақо равшан бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи шунга асосланиб ва Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатидаги ўз масъулиятини англаб Бош Ассамблеянинг ушбу сессияси кун тартибига «Оммавий қирғин қуролининг янги турларини ҳамда шундай қуролнинг янги системаларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисида»ги масалани муҳим ва шошилинч масала сифатида таклиф этади.

Биз — давлатлар ва аввало йирик давлатлар шундай қуролнинг янги турлари ва янги системаларини ишлаб чиқмаслик ва ишлаб чиқармаслик, шу йўлдаги ҳар қандай фаолиятга ёрдам бермаслик ва уни қўллаб-қувватламаслик мажбуриятига асосланган битим тузишларини таклиф қиламиз.

Шу битимнинг Бош Ассамблеяга биз тақдим этган лойиҳаси шундай бир тарзда тузилганки, бу битим оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва янги системаларини яратишни тақиқлаб қўйиш билан бирга айни вақтда бунда қатнашувчи давлатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ривожига тўсқинлик қилмаган булур эди, уларнинг илмий тадқиқотлар ва кашфиётлардан тинч мақсадларда, ҳеч бир камситишга йўл қўймасдан одамларнинг бахт-саодатн йўлида фойдаланиш ҳуқуқини камситмаган бўлур эди.

Бундай халқаро битим қуролланиш пойгасини чеклаш ишига, халқаро кескинликни янада юмшатиш ишига катта ҳисса қўшган бўлур эди.

Биз тақдим этган иккинчи таклиф ҳам инсониятни уруш хавфидан халос қилишни, ҳозир давлатлар аслаҳахонасида бўлган энг ҳалокатли қурол—ядро қуроли пойгасини жиловлаш муддаосини кўзлайди. Бу таклифдан кузатилган мақсад, ядро қуроли синовларига батамом чек қўйишдан ва шу тарика уни янада такомиллаштиришнинг амалий имкониятларини мутлақо чеклаб қўйишдан иборат.

Бу мақсад йўлида ҳозиргачаёқ катта қадамлар қўйилди: атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги 1963 йил Москва Шартномаси, ядро қуроли ер ости синовларини чеклаш тўғрисидаги 1974 йил СССР билан АҚШ ўртасида тузилган шартнома шу жумлага киради.

Энди назаримизда, бу йўлда якунловчи қадамни қўйиш—ядро қуролининг истисносиз ҳамма синовларини тақиқлайдиган кенг халқаро битим тузиш учун шароит етилди.

Совет Иттифоқи шу фикрга амал қилиб, «Ядро қуроли синовларини тўла ва батамом тақиқлаш тўғрисида Шартнома тузиш ҳақида» деган масалани Бош Ассамблеянинг XXX сессияси кун тартибига муҳим ва шошилинч масала сифатида киритишни таклиф қилди.

Совет Иттифоқи томонидан шу сессия муҳокамасига тақдим этилган таклифларнинг амалга оширилишини биз ҳозирги вақтда БМТ бутун фаолияти марказига ҳаётнинг ўзи кўндаланг қилиб қўяётган муштарак вазифа ҳал этилишининг таркибий қисми деб биламиз. Бу вазифанинг моҳияти дунёда содир бўлаётган ижобий жараёнларни янада ривожлантиришга кўмаклашишдан, бу жараёнларга муқаррар тус беришдан иборат. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу вазифани уддалай олишига аминмиз.

БМТ ўзининг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим қуроли бўлишидек юксак вазифасини муваффақиятли бажариши, айниқса ҳозирги масъулиятли даврда, бу ташкилот иши самарадорлигини доимо оширишни тақозо этади, деди сўнгра А. А. Громико. БМТ Устави деди у, замон синовидан ўтди ва келгусида ҳам ўз аҳамиятини тўла-тўкис сақлаб қолади. БМТ самарадорлигини ошириш, унинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ресурсларини Уставни ревизия қилиш йўли билан эмас, балки уни оғишмай бажариш йўли билан изламоқ керак.

Халқаро хавфсизлик учун кураш билан ўтган ўттиз йил мобайнида катта иш қилинди, кейинги йилларда айниқса салмоқли муваффақиятларга эришилди. Бу муваффақиятлар давлатлар ўртасида урушга йўл қўймаслик ҳаётлий бир нарса эмас, балки эришса бўладиган мақсад эканлигини яққол исботлаб турибди. Аммо бу нарса хотиржамликка олиб бормаслиги керак. Ер юзида ҳақиқатан ҳам мустаҳкам тинчликка эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Совет Иттифоқига келганда, биз бу йўлда тўхтаб қолишлар ҳам, эгри-бўғриликлар ҳам, айниқса орқага қайтишлар ҳам бўлмаслигининг тарафдоримиз. Шу ерда, БМТ Бош Ассамблеясида ҳам бу йўлда муҳим қадамлар қўйилиши мумкин, зотан, биз шу муштарак ишда энг актив қатнашишга тайёрмиз.

* * *

Сессия қатнашчилари А. А. Громиконинг нутқини зўр эътибор бериб тингладилар ва қарсаклар билан кутиб олдилар.

ИЖОДКОРЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ПАХТАКОР, СЕНИ ШАРАФЛАЙМИЗ!

Ўлкамизда олтин қўллар билан етиштирилган «оқ олтин»ни қисқа муддатларда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун бошланган умумхалқ кураши тобора қизимоқда. Пахтакорларимиз КПСС XXV съезди арафасида, тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида она-Ватанга 5 миллион 200 минг тонна дуру жавоҳир армуғон этиш йўлида барча куч ва имкониятларни ишга солиб, сурьатга суръат қўшиб меҳнат қиляптилар. Республикамизнинг барча кишилари бир овоздан «Урнимиз далада, иш қайнаган жойда», демоқдалар.

Йиғим-терим мавсуми бошланиши арафасида республикамизнинг бир гуруҳ ёзувчилари редакциямизга ташриф буюриб, терим даврида «оқ олтин» ижодкорлари билан бирга бўлиш, уларни муносиб мадҳ этиш, бунёдкор меҳнатларини улуғлаш, янги меҳнат зафарларига илҳомлантириб, чорлаб, даъват этиб турғиси ҳақида маслаҳатлашиб олган эдилар. Улар айни шу кунларда дала кезиб юрибдилар. Осмонўпар хирмонлар қаршисида, қаҳрамонлар кўз ўнгида ранг-баранг жанрларда асарлар битилмоқда. Ёзувчиларимиз пахта далаларида яратилган шеър, очерк, публицистика, ҳикояларини газетамизга йўллай бошладилар. Қуйида ана шу асарлардан дастлабки намуналар эълон қилинади.

Наманган область Поп районидаги «Коммунизм» колхозида ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта териб олиш учун қизғин кураш кетяпти. **СУРАТЛАРДА:** (юқорида, чапдан) колхознинг илғор механизаторлари Матлуба Эргашева, Ниҳоят Бултурова ва Буойша Бойхонова. **ЎРТАДАГИ СУРАТДА** колхоз пахтазорлари. **ПАСТДАГИ СУРАТДА:** хўжалик партия ташкилоти секретарининг ёрдамчиси Ғанивой Ғоипов (чапда) механизатор Камолиддин Эгамбердиевга (ўнгда) ғолиблик вимпелини топширмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

ШУ КУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Салима ПАРДАЕВА.
Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхознинг илғор механизатори

Салимахон машинада
Ана, қаранг, териб борар.
Машинаси билан гўё
Истиқболга елиб борар.

Гулнора МАМАТОВА,
Пахтачи районидаги Калинин номли колхознинг чевар теримчиси

«Термоқчиман ўн беш
тонна!» —
Гулноранинг қатъий сўзи.
Ниятига тез етсину,
Бўлсин унинг ёруғ юзи.

Назира ва Комил АЛИМБОЕВЛАР,
Пискент районидаги Тельман номли колхознинг донгдор механизаторлари

— Оилавий экипажмиз бизлар
бугун,
Беш юз тонна пахта термоқ
дилда тугун.
Бул маррага етмагунча
тинмагаймиз,
Етгач, уни сўнг марра деб
билмагаймиз.

Муборак АЗИЗОВА,
Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозининг машҳур теримчиси

Илғорликда тенг келолмас
Ҳеч ким бизнинг Муборакка.
Биласизми, икки юзни
Терар кунда ўзи якка!

Расмларни **Лайло Салимжонова** чизган.

МИРМУҲСИН

БОБОШЕР

I.

Қўшни кўрмоқ бўлсанг тонгда тур! Меҳнат тонги нақадар файзли, киши ҳаётида ҳеч унутилмас, бебаҳо бир лаҳзадирки, тонгдаги меҳнат инсонни улуғлайди. Республикамизнинг қоқ ўртасидаги, номи дунёга машҳур Самарқанд областимиз пахтакорлари яқин орада анча олдинга ўтиб кетишга шайланмоқда — шер ҳужуми қилаётган азаматлар албатта ўтиб кетади! Бу шайланишни, олдинга интилаётган азаматларнинг эртанги ғалабасини қоғоз-сводкалардаги рақамлардан эмас, кишилар юзидаги тетиклиғу баланд руҳ, кўзлардаги ишончу ҳаяжондан сезиб турибмиз. Ўрток Бектош Рақимовнинг районма-район, колхозма-колхоз юриб, ўз кўзи билан ишни кўриб, одамлар билан юзма-юз мулоқатда бўлаётгани, уйқулар ҳам тежалган, қошда дала қуруми, лаблар ёрилган, ўзликдан кечиб, бевосита ва биновсита ишнинг обдон қайнаган ерида ва баъзан сусткашлик кўрсатилаётган жойларда бўлишлиги жанг кунларидаги қўмондонлар қиёфасини эслатади. Ёппасига ишга тушиб кетган агрегатлар — «занго-ри кема»лар, пайкаллар чети ўн метр кенгликда текисланган, карталар бегона ўтлардан тозаланган, ўқ ариқнинг текислангани, машина терминнинг тақдирини ҳал қилувчи дефолиация яхши ўтгани... бари-бари кўздан кечирилди. Механизаторлар билан биргаликда кўсакларнинг катта-кичиклигига қараб шпинделлар оралиғи мослаштирилгани, даль шийпонларидаги шароит, иссиқ овқат, кўчма савдо ва медицина хизмати... ҳаммаси, ҳаммаси тахт қилинган. Зукко сардор катта ва мураккаб агрегатдан то игнагача кўздан кечиради, чунки ғалабани таъминлашда агрегатдан игнагача, сардордан то оддий ишчигача ҳамманинг ўз ўрни, ўз ҳиссаси бор...

Ҳа, гўзал Самарқанд далаларида юксак ҳосил учун жанг кетмоқда. Бу ҳосил жангидан четда қолганлар армонда қолади, албатта! Ур, деганда номард қочар, мард қолар майдон ичинда! Самарқанд далаларида мислсиз ҳосил етилтирилди — бу йилги пахтанинг вояга етилтиришнинг ўзи ҳам қаҳрамонлик тимсолидир. Сув танқислиги, сув учун кураш ўзи бир китоб. Товадек қизиб ётган қумликлардан учиб келган гармсел ўт-ўланни қовжиратиб кетди. Улар ердан қад кўтарган ғўзаларга ҳужум қилиб, мурғаклигидаёқ қуйдириб юбормоқчи бўлди. Бу йил Самарқанд ва Бухоро томонларда саратон жуда ҳам иссиқ келиб, Зарафшоннинг бўтана бўлиб оққани ҳеч кимга сир эмас. Саратон қуёши ғўзалардан сал баландроқ, терак бўйига келиб турғандай бўлди. Ҳароратнинг мўл бўлгани яхши, аммо сув мўл бўлиб, саратон оftоби ҳам сал баландроқдан кулиб бокса кўп маъқул бўлар экан — сувсираган ғўзаларга керагидан ортиқ олов пуркаб турмоқ табиатнинг нобоп инжиклигидирки, севикли оftоб ҳам нафас олдирмай қўйса бир азоб экан! Сув омборлари, артезиан қудуқлари, булоқлар жонга оро кирди. Пахтачи райочидаги Калинин номли колхознинг раиси Туроб Номозов, шу район партия комитетининг секретари Мила Абдуллаева, Самарқанд область партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири Ҳожиқул Худойқуловларнинг айтишича, пахта майдонларидаги «Тошкент-1» нави серҳосиллиги, машинабоплиги, вилтга чидамлилигидан ташқари бу йилгидек табиат инжиқликларининг жуда ҳам авж олгани, кам сув, ҳароратнинг меъёридан ошиб кетганига ҳам чидамли эканини яна бир бор кўрсатди. Ўзбек ғўзаси ҳам ерга тушишдан аввал космонавтлардек жуда катта машқ ва синов мактабини ўтгандирки, у ҳеч қачон пахтакорга панд бермайди! Ўрни келганда яна шуни ҳам қайд этмоғимиз керакки, октябрь ойининг ўрталарига бориб, Самарқанд области қунлик сводкада ё иккинчи, ё биринчи ўринга чиқиб олади. Биргина Калинин колхозидаги, биз шаънига сўз айтмоқчи бўлган механизатор Бобошер Шовхиев раҳбарлик қилаётган 31 агрегат, яъни 62 бобошерчилар юрагидаги фидойилик, кўзларидаги чақнаш буни ифодалаб турибди. Эшак миниб оёқ остини эмас, туя миниб олисни кўзла, деган бизнинг ажойиб бахшиларимиз. Ёзувчи эркинрок фикр айтади, олдинроқни ҳам кўради, яъни эскича тил билан айтганда, каромат қила олади. Самарқанднинг октябрь ойларида жуда ҳам олдинга ўтиб кетиши, байрам арафасида ўзининг қаҳрамонлик достонини якунлаши реал ҳақиқат! Менинг қадрдонларим, самарқандлик баҳодир пахтакорлар ўз адибларини ёлғончи қилиб қўёлмайдилар, албатта! Пахтакор халқ яқинда ўзининг уч ажойиб шоири: Фозил Йўлдош, Ислом Шоир, Пўлкан шоирларнинг юз йиллик тўйларини ўтказиб, муносиб фарзандлар ўз оталарига ҳайқал қўйдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлиги меҳнаткаш халқ кўнглини тоғ этди, шунинг учун ҳам бобошерлар ўз шоир боболари — руҳи покини шод этиб зиммадаги вазифани вақтида дўндиришларига имонимиз комил. Номи дунёга машҳур обпастимизнинг ҳамма ерида одамлар бир хаёл, бир фикр ва бир сўздадирлар, яъни ҳамма пахта ҳосилини тез ва тоза йиғиб олиш дардидадирлар. Пахтачи районидаги колхозлар, Пастдарғомдаги «Самарқанд» совхози, Каттақўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида бобошерчи механизаторлар ўз агрегатларини гуруллатиб пахта термоқдалар.

II.

Пахтачи, Хатирчи, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай... районларининг бепоён далалари азамат кишилар, дала заҳматкашлари ва машиналар билан янграмоқда. Ҳамма далада. Бобошер Шовхиевнинг тўрт қаторни бир йўла тарадиган «Ўзбекистон» агрегати ҳам беҳудуд пахта денгизида сузиб юрибди. У ҳар куни терим машинаси бункеридан ўттиз тоннадан пахта тўкмоқда. Шу кунгача Бобошер 150 тонна пахта терди. Самарқанднинг шери ўзига биркитилган 138 гектар ердан 55 центнердан ҳосил кўтармоқчи. Бобошер корачадан келган, жуссаси метин, миқти йигит. Бобошернинг донғини Тошкентдан туриб эшитиб, бу пахлавоннинг бўйи ҳам саксон газ, кифти бир тепа, жаҳли чиққанда теракларни ўтдек юлиб ташлайди, деб хаёл қилган эдим. Катта агрегатни ҳам ўйинчоқдек ип бойлаб тортиб юрса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, бизнинг Бобошер Самарқанд далаларида меҳнат қилаётган мингларча кишиларнинг бири. У ҳатто мулойим, ғоятда хушфеъл, оддий одам. Тўғри, бу оддий кўринган жуссага бениҳоя ғайрату садоқат, маҳорату билармонлик яширингандир. Оддий кўринган тоғлар бағрида қанчалар ноёб маъдану қимматбаҳо бойликлар яширингандай, бизнинг Бобошер қалбида Менделеев элементларидай инсоний фазилатларнинг барчаси мавжуд. 24 соатдан иборат кунимизнинг ҳамма соатидан фойдаланамиз, дейди у. Учинг ўринбосари Болта Ёқубов ҳам шернинг ўзгинаси. «Бобошер мактаби» деб аталган, терим бошланмасдан аввал обдон қантарилиб, куч тўплаган, ўқиган, машқ қилган 62 гвардиячи йигит ҳозир Калинин колхози далаларида ўз сардорлари Бобошердай наъраю раддивор тортиб ишламоқдалар.

Қаҳрамонимиз 36 ёшда. Рафиқаси Қўйсинхон саккиз фарзандни, келгуси бобошерларни юртга тарбиялаб бермоқда. Отаси Шовхи Пиримов Улуғ Ватан уруши йилларида ҳарбий денгиз флотида фашизмга қарши жанг қилган. Ҳозир шу колхозда звено бошлиғи бўлиб ишлайди. Бобошеру Туробу Болталарнинг устози Рўзиқул ака Маҳмоновдир. Бу юксак тажрибали механизатор жуда кўп ёшларни тарбиялаган. Рўзиқул акани халқ район ижроия комитетига раис этиб сайлаган. Район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулайҳо опа Норқулова билан Рўзиқул акалар иш бошида, гвардиячилар меҳнат ҳужумига раҳбарлик қилмоқдалар. Шомурод Қаҳҳоров раис бўлган Карл Маркс номли ва Қурбон Ражабов раҳбарлик қилаётган Киров номли колхозлар ҳам, Шамси Назаров раҳбарлик қилаётган «Коммунизм» колхози ҳам бу йил 55 центнердан пахта бермоқчи. Бу далаларнинг шерларидан — республикада ҳиромат кўрсатган механизатор Матлуба Назарова, Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери Жузбой Эргашевларнинг ҳам олиб бораётган ишларини алоҳида қайд этиб, пахта фронтининг азаматлари деб атаймиз.

Лавҳани тонгдан бошладик. Мана шу гўзал тонгдаги озгина шудринг Бобошернинг кўкрагидан итариб, ишга халақит беради. Сиз, шоир акалар шудрингни мақтайсиз, бу нарса бизга халақит беради, дейди Бобошер кулиб. Эрталаб озгина бизга шамол керак бўлади, шу шамол баъзи шоирлар оҳ уриб мақтайдиган «биллур, шаффоф шудрингларни ялаб учириб кетгач, биз ҳақиқий жавоҳирни тера бошлаймиз.

Дала арслони, азамат йигит ўғилболачасига меҳнат қилмоқда. Ҳозир қарнай чаладиган вақт эмас, вақтни қўлдан бермай ишлаб қолиш керак. Югурганлар эмас, пухта тайёргарлик кўрганлар узоққа боради, дегандай, Бобошер ўз бригадаси, ўз колхози, юзларча қадрдонлари билан йил бўйи пухта тайёргарлик кўргандир. Мўл ҳосилни вақтида йиғиб олиш ниҳоятда муҳим масала! Далада тер тўкиб ишлаётганларнинг ҳаммаси танти, азамат кишилар. Балли! Аммо, Бобошернинг Бобошер бўлишида сир нима? Нега унинг номи фахр билан айтилади? Нега мухбиру шоиру ёзувчилар Пахтачи райони томон учиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шовхиев билан учрашишга ошиқадилар? Қаранг, шу бир йигит туфайли узоқ Пахтачи райони маданият кишиларини оҳанрабо дек ўзига тортаяпти. Бир вақтлар пахтачилигимизда Тешабой Мирзаев, Тожихонлар... донг таратиб, аҳли шуаро диққатини жалб этиб, мафтун этган эди. Ундан кейин Шакархону Ғанишеру Дўстовлар ном қозонди. Ундан кейин Турсуной-ю Аҳмаджон Одилову Дадажоновлар, Тюпко-ю Кўчиевлар ижод аҳли диққатини ўзига жалб этди, қанчалар асарлар яратилмоқда. Ҳозирги пайтда, бу улуғ плеяданинг ниҳоятда замонавий бир бўғинида самарқандлик Бобошер Шовхиев турибди. Унинг ғалабасини, яъни бу мўъжизани мен уч тимсолда кўрдим: биринчидан — бу йигитнинг жисмидаги ўт-оташ, эл иши учун ўзликдан кечиб меҳнат қилиш, коммунистик ғоямизга юрак-юрагидан берилганлик, садоқат, иккинчидан — механизацияга муҳаббат, билағонлик, ҳозирги агрегатлар аэроплан эмас, овоздан тез учадиган реактив самолётлар каби мураккабдир, у бир ҳайдовчи эмас, инженер даражасига кўтарила олган. Зарурият туғилса, шу агрегатни «Ташсельмаш»га бориб, ясаб бериши ҳам мумкин. Мана, гап қаерда! Учинчидан — бу йигитнинг ички дунёси бой, ёзувчилар тилида уни интеллектуал, деймиз. Мана шу уч омил самарқандлик оддий механизаторга камол берган, у шу уч илдиздан баҳра олиб, рустами достон бўляпти, тогни суриб, дарёни тўсяпти, беҳудуд даламизга гавҳар экиб, жавоҳир оляпти.

Бобошер, азизим, хирмонга барака!

САМАРҚАНД.

ЧАМАН

(ҚЎШИҚ)

Пахтазоримга қаранг, гулзор — чаман,
Дилни тортар донмо дилдор чаман.

Бунда ҳар ким топди бахт, обрўй топар,
Ҳадя этгай яхшига чин ёр чаман.

Бу чаман водийларим нур, сувга бой,
Пахтазорим, келса куз, такрор чаман.

Кўзга суртиб гулларин термоқ шараф,
Меҳнат аҳлин айлагай ҳумор чаман.

Айлагайман тер тўкиб мнг бор чаман.
Сақлайин дурдонасин кўз нуридай,

Барқарордир бу чаман дўстлик мисол,
Бўлди бахтимдан, Мўмин, донгдор чаман.

Пўлат МЎМИН.

ПАХТАМИЗ

Барча ҳосиллар ичида дуру гавҳар пахтамиз,
Барги кўк бахмалсимону толаси зар пахтамиз

Турли безаклар тақибди ёш келинчак каби,
Сайрига келган кишига таъзим айлар пахтамиз.

Шонаси ёқут ўралган дур рўмолни эслатар,
Қўлларида ранг-баранг гул меҳри қайнар пахтамиз.

Мисли оқ олтинга тўлган хумчадек ҳар бир кўсак,
Тош кўтарган паҳлавонга худди ўхшар пахтамиз.

Очилиб соясиз чаноқда, нур сочиб яшнаб турар
Худди бир коса нишалло сингари ҳар пахтамиз.

Шамси анварни олишни истаган Машраб қани,
Шодланиб қўлга олурмиз, шамси анвар пахтамиз.

Эл учун афзаллигини куйласам бўлмас адо,
Чўлу кўлни қилди бўстон ҳам мунаввар пахтамиз.

Унга парвона Шарифий сингари шайдолари,
Кўнглимиздек оқу юмшоқ мангу дилбар пахтамиз.

Шариф НУРХОН.
Бухоро.

ДАЛА ЧОРЛАЙДИ

Бўлай десанг байроқдор,
Терим жангида илғор,
Кўрсат не ҳимматинг бор,
Суръатга тез суръат қўш!

Беш миллиондан кўп аҳдинг,
«Оқ олтин» — қувонч, бахтинг,
Терган пахтанг соф нақдинг,
Суръатга тез суръат қўш!

Энг долзарб, қизғин чоқда,
Пахта қайнар чаноқда,
Янграр шиор ҳар ёқда,
Суръатга тез суръат қўш!

Машиналар майдонда,
Мадҳинг қўшиқ, достонда,
Олга босгин ҳар онда,
Суръатга тез суръат қўш!

Мард суворий номинг бор,
Бу ном — шараф, ифтихор,
Машиннанг ишлар девкор,
Суръатга тез суръат қўш!

Бургут янглиг қил парвоз,
Кенг далада ҳосил соз,
Жабҳа бўйлаб қанот ёз,
Суръатга тез суръат қўш!

Мусобақа авж олсин,
Юртимга довруг солсин,
Барча эл қойил қолсин,
Суръатга тез суръат қўш!

Съездга зўр совғамиз —
Осмон ўпар тоннамиз.
Ким байроқдор кўрамиз,
Суръатга тез суръат қўш!

Акмал ПУЛАТ.

МИЛЛИОНЛАРНИНГ ҚУДРАТЛИ ҲАРАКАТИ

СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Миллионларнинг қудратли ҳаракати бўлган стахановчилик ҳаракатига 40 йил тўлди. 23 сентябрда Москвада, Союзлар уйининг Колонна залида очилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси ана шу шонли санага бағишланди. Конференцияни ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳаки масалалари билан шуғулланувчи давлат комитети ўтказмоқда.

Залда номлари бутун мамлакатга машҳур бўлган стахановчилик ҳаракатининг ташаббускорлари — К. А. Борин, А. Х. Бусигин, М. И. Виноградова, Д. М. Гармаш, М. В. Гнатенко, И. И. Гудов, М. С. Демченко, П. И. Ковардак, П. Ф. Кривонос, К. Г. Петров, Н. С. Сметанин, Т. В. Федорова, умумхалқ социалистик мусобақасига бошчилик қилаётган ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари ўтирибди. Конференция ишида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, министрлик ва идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари, олимлар иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Мажлис аҳли ўрток Л. И. Брежневнинг конференция қатнашчиларига табрикнома йўллаганлиги ҳақидаги хабарни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

ВЛКСМ секретари В. И. Прохоров меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини, социалистик мусобақанинг оммавийлигини ривожлантириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилганликлари учун партия Марказий Комитетига, шахсан Л. И. Брежневга конференция қатнашчилари номидан қизғин миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этди.

Донецкдаги «Центральная — Ирмино» шахтаси партия ташкилотининг собиқ секретари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Г. Петров стахановчилар номидан конференция қатнашчиларини табриклади.

ВЛКСМ секретари И. М. Владиченко «Стахановчилик ҳаракати ва ҳозирги шароитда социалистик мусобақани ривожлантириш» тўғрисида доклад қилди. Академик А. М. Румянцев ўз докладини «Ривожланган социалистик жамиятда социалистик мусобақанинг роли» деган мавзуга бағишлади. ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тяжельников «Социалистик мусобақа ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш» мавзуида доклад қилди. СССР Министрлар Совети меҳнат ва иш ҳаки масалалари билан шуғулланувчи давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари С. С. Новожилов «Стахановчилик ҳаракати ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор методларини ривожлантириш» ҳақида доклад қилди.

КПСС XXV съездини чақириш тўғрисидаги хабар, деб таъкидланди конференцияда, меҳнаткашларнинг ижодий активлигини янада ошириб юборди. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларини, хўжалик органларини конкрет иш программаси билан қуроллантирди.

Конференцияда шунингдек темирйўл транспортида стахановчилар ҳаракатининг ташаббускори, жанубий-ғарбий темирйўл бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Ф. Кривонос, Москва шаҳар партия комитетининг секретари Л. И. Греков, «Кузбассуголь» комбинатига қарашли «Октябрьская» шахтасида комплекс бригада бошлиғи Ю. П. Черепов, И. Ф. Тевосян номли «Электросталь» заводининг пўлат эритувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Д. Постников сўзга чиқдилар.

Конференция ишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков қатнашмоқда.

Конференция 24 сентябрда ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ФАКТЛАР

1976 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ҚАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз шаҳар саноат корхоналари коллективлари беш йиллик топшириқларини муддатидан уч ярим ой олдин адо этдилар. Пландаги 338.942 минг ўрнига 379.975 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Эришилган ютуққа пахта тозалаш, қум саралаш заводлари, гўшт комбинати коллективлари катта ҳисса қўшдилар. Шаҳар саноатчилари йил охиригача планга қўшимча 5 миллион сўмдан зиёдроқ маҳсулот реализация қиладилар.

Қ. СИРОЖИДДИНОВ.

МАДАДКОРЛАР

САМАРҚАНД. «Узсельхозтехника» Пахтачи район бирлашмаси ишчи-хизматчилари беш йиллик топшириқларини барвақт бажардилар. 5 миллион 258 минг сўмлик иш бажарилди, район хўжаликларининг 1644 дона ҳайдов ва чопик тракторлари, 1460 дона пахта териш агрегатлари ремонтдан чиқарилди. Бирлашма коллективи КПСС XXV съезди шарафига йил охирига қадар яна 200 минг сўмлик иш бажаради.

Б. ШАМСИЕВ.

ЙЎЛСОЗЛАР ҒАЙРАТИ

БУХОРО. Вобкент район йўл қурилиш-ремонт ишлари бошқармаси коллективининг 1977 йил ҳисобига меҳнат қилаётганига анча бўлди. Йўлсозлар эришган ютуқлар тўғрисида бошқарма бошлиғи К. Тожиддинов шундай деди:

— Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили саккиз ойида 1 миллион 562 минг сўмлик йўл қурилиши ва ремонт ишларини амалга оширдик. Бу, бутун йил учун мўлжалланган топшириғимиз эди. Аҳад Асатов, Изатулла Жаҳонов, Пардақул Раҳимов, Раҳим Каримов, Саъдулла Исаев сингари ишчи-хизматчиларимиз эришилган муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар.

Айни кунларда бошқарма коллективи КПСС XXV съезди шарафига зарбдор вахтада меҳнат қилмоқда.

Е. УМАРОВ.

* * *

Газетамизнинг саноат, капитал қурилиш ва транспорт бўлимига партиямизнинг XXV съезди шарафига, зарбдор вахтада меҳнат қилаётган ишчи коллективларидан бундай хушхабарлар оқими кетма-кет келиб турибди. Улар орасида қашқадарёлик **Ж. Ҳусанов**, андижонлик **Н. Абдусаломов**, тошкентлик **П. Иботулин, Ж. Нарзуллаев**, урганчлик **А. Эшматов**, бекободлик **М. Умрзоқов**, ангренлик **И. Аҳмедов**, марғилонлик **Ғ. Абдуллаев**, чирчиқлик **А. Портной** ўртоқлар йўллаган хабарлар ҳам бор.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Область моқдалар. Улар шаҳарликлар, 5 тоннадан балиқ жўнатмоқдалар. балиқчилар бригадаси комбинатда социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

АТЕРОСКЛЕРОЗ КАСАЛЛИГИ НИМА?

Газетхонлар илтимосига кўра

Юрак-томир касалликлари кейинги йилларда аҳоли ўртасида кўп тарқалган хасталиқдир. Атеросклероз гипертония, юрак-томир касалликлари ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Бетоблик туфайли меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларнинг учдан бирини юрак-томир атеросклероз касалликлари билан оғриган кишилар ташкил қилади. 25-40 ёшли кишилар юрак-томир дардига борган сари кўпроқ чалинмоқда. Шунинг учун мазкур касалликлар фақат медицина ходимларининг диққатинигина жалб этиб қолмасдан, кенг халқ оммасини ҳам ташвишга соляпти.

Атеросклероз бу организм қон томирининг ички деворларида дўппайиб ҳосил бўлган тугунчалар пайдо бўлиши натижасида келиб чиқадиган касалликдир. Ўша тугунчалар қон томир йўлини аста-секин тўсиб қўяди. Йўли нотекис бўлиб, қоннинг оқиши секинлашади ва аъзоларнинг озиқ-овқат моддалари билан таъминланиши сусаяди.

Атеросклероз билан бош мия қон томирлари касалланса, бетобнинг боши айланади, фикрлаши пасаяди, кулоғи шанғиллайди. Оёқ-болдир томирлари атеросклероз билан оғриса, оёқ ўношади, доимо совуқ ейди, оқсаб юради. Ошқозон ости бези томирларининг атеросклерози қанд касаллигига (диабетга) олиб келади. Шундай қилиб атеросклероз кишининг ҳар хил аъзоларини касаллантиради.

Юрак тож томирининг атеросклерози эса, ҳаёт учун энг хавфли бетоблик-стенокардияга, юрак инфарктига олиб келади. Натижада бу хасталик кишиларни тўсатдан касалманд қилиб қўйяпти, баъзан кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда. Атеросклероз касалликларининг келиб чиқишига асосий сабаблар нима? Бунга сабаб шуки, организмдаги ёғ, оксил, қанд, модда алмашинуви бузилади. Энг аввал, қонда ёғ (холестерин) моддалари кўпайиб кетади. Қон-томир деворидаги макрафаг ҳужайралар қонда ёғ моддаси кўпайганда активлашиши, улар ёғ моддаларининг чўкишига кўмаклашиши аниқланган. Натижада томир девори қалинлашади ва, ниҳоят, тугунчалар пайдо бўлади. Атеросклероз касаллиги кексаларга хос хасталик деган фикр нотўғри. Кузатишлар шуни кўрсатадики, атеросклероз касаллиги ёш болалар қон томирида ҳам учрайди.

Хўш, нима учун бу касаллик жиддий тус оляпти? Нима учун аҳоли ўртасида атеросклерозга боғлиқ бўлган юрак қисиш касаллиги ҳамда инфаркт кўпаймоқда?

Биринчидан, бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари турли-тумандир. СССР билан АҚШ ўртасида шу касалликларни янада чуқур ўрганишга бағишлаб битим тузилган. Юрак қисиш касаллигига — стенокардия, юрак инфарктига чалинишнинг бир қанча сабаблари бор. Бу касалликларнинг сабаби битта ёки ягона бир омил келтириб чиқаради, деб бўлмайди. Булар кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган турли ҳодисалардир. Мазкур касалликни бартараф этиш ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ.

Тўсатдан юрагидан шикоят қилиб, вафот этганларнинг 90 процентида атеросклероз туфайли юрак тож томири торайганлиги аниқланган. Кейинги йилларда атеросклерозни (юрак касаллигини) вужудга келтирувчи хавфли омиллар ҳақида кўпроқ ёзилмоқда. Ортиқча семириш, жисмоний меҳнат билан кам шуғулланиш, асаб системасининг ҳаддан ташқари чарчаши ва кўзғалиши, спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш, меъёридан ортиқ тамаки чекиш шулар жумласидандир. Юрак инфарктига қон босими баланд бўлганлар ва қанд касаллигига чалинганлар тезроқ йўлиқадилар.

Кучли серёғли ва гўштли овқатлар, ширинликлар кишини семиртириб юборади, атеросклероз касаллигига сабаб бўлади. Организмдаги модда алмашинувининг бузилишига ўз вақтида овқатланмаслик, кечқурун ётишдан олдин кўп овқат ейиш сабаб бўлади. Бир неча йиллар бурун мол ёғини мутлақо овқатга ишлатилмасин, деган гаплар ҳам бўлган. Мол ёғи таркибида организм учун зарур моддалар йўқ эмас, яхшиси мол ёғини овқатга оз миқдорда ишлатган маъқул. Кўпроқ ўсимлик ёғини (пахта, кунгабоқар) ишлатиш лозим. Мол ёғи туфайли қонда тўйинган ёғ кислоталари кўпаяди. Бу эса қоннинг қуйилтириш хусусиятини оширади, натижада қон томирида атеросклероз тез ривожланади.

Тўғри овқатланиш кишини соғлом қилади. Ёши улғайган кишилар қандни жуда оз истеъмол қилишлари лозим. Қанд турларидан фруктоза ва лактозалар киши баданига сингиб, холестерин ва ёғни кўпайтирмайди. Қанд моддалари узум, олма, нок, шафтоли, ўрикда кўп бўлади. Шу меваларни шакар, қанд ўрнида истеъмол қилинса, кишини семиртирмайди, атеросклероз касаллигининг олди олинади.

Баъзан одамлар бу хасталикнинг олдини олиш мақсадида тухум, сариқ мой емай қўядилар. Бу мутлақо нотўғридир. Аксинча, тухум ва сариқ мойда атеросклерозга қарши моддалар кўпроқ. Булар холин, фосфатидлар, лецитин, арахидоновая кислоталардир. Шунинг учун ҳам ҳар бир киши эллик ёшдан ошганидан кейин кун ора иккитадан тухум еб туриши фойдалидир.

Юрак инфаркти жисмоний меҳнат билан кам шуғулланадиган кишиларда кўп учрайди. Доимо бир жойда ўтириб ишлайдиган, кам пиёда юрадиган, жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган кишилар қонида ёғ моддалари — холестерин, триглицеридларнинг миқдори кўпайиб, уларда атеросклероз тез ривожланади. Жисмоний меҳнат ва спорт билан шуғулланиш қондаги ортиқча ёғ моддаларининг баданга сингишига ёрдамлашади.

Текширишлар шуни кўрсатадики, юрак инфаркти билан оғриган кишилар жисмоний меҳнат билан шуғулланганларида бетоблик анча осон ўтган. Бир қанча шаҳарларда ёппасига ўтказилган текширишлар юрак инфаркти ишчиларга нисбатан хизматчилар ўртасида кўп учраганлигини кўрсатади.

Асаб системасининг ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушиши, асабий эзилиш натижасида юрак тез-тез қисиладиган бўлиб қолади. Агар кишида уйда ёки хизмат жойида унинг асабини, кайфиятини бузадиган гаплар мунтазам равишда айтиларса, у кишида асаб бузилиши аломатлари рўй беради. Натижада марказий асаб системаси фаолияти бузилади. Бу эса юрак фаолиятини тўғрилаб турган нервлар орқали юрак қисиш касаллигига олиб келади. Оилада тез-тез жанжал бўлиб турадиган, тинчлиги бузиладиган кишиларда атеросклероз хасталигига мойиллик юқори бўлади.

Ўз ҳаётида ҳар қандай зўриқишга ва асаб системасининг ортиқча чарчашига йўл қўйилмайдиган шароитни вужудга келтириш профилактика тадбирлари орасида энг аҳамиятлисидир. Асаб системасига имкони борича кўпроқ дам бериш, ҳордиқ чиқаришга эътибор бериш зарур. Театр, кино, спорт ўйинларини томоша қилиш асаб системасини тинчлантиради.

Ота-онаси юрак касаллиги билан оғриган кишиларнинг болаларида стенокардия, юрак инфаркти кўп учрайди. Шунинг учун улар тез-тез врачларга кўриниб туришлари зарур. Папирос чекиш юрак-томир касалликларини вужудга келтирувчи хавфли омиллардандир. Никотин қон томирлари деворини торайтиради. Бу эса атеросклерозга олиб келади. Текширишлар шуни кўрсатдики, 45—54 ёшли эркаклар ўртасида бир кунда ўнта сигарета чекканлар ичида юрак инфаркти чекмаганларга нисбатан 2,4 баробар кўп бўлса, 10-39 сигарета чекканда 3,1 баробар кўп, 40 сигарете чекканда эса 3,4 баробар кўп бўлади. Спиртли ичимликлар ҳам асаб фаолиятини бузади. Жигар функциясига каттик таъсир қилиб, ёғ алмашинувини ишдан чиқаради. Натижада ёғ моддалари қонда кўпайиб кетиб, томир деворига чўкади. Юрак томир касалликларини, айниқса, атеросклероз касаллигининг олдини олиш учун юқорида келтирилган хавфли омиллардан сақланиш керак.

У. ШАРОПОВ,
Урта Осиё Медицина педиатрия институтининг ички касалликлар пропедевтика кафедраси мудири, медицина фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНИГА ДОИР

З Ў Р — З Ў Р-ДА!

Милан шаҳрида ярим финал матчларининг учинчи партияси ўйналмоқда эди...

Жаҳон чемпионлиги учун 1974 йили ўтказилган чорак финалларнинг бирида Тигран Петросян билан Лайош Портиш учрашгани, ҳисоб 2:2 бўлиб турганда москвалик гроссмейстер ҳеч ким кутмаган услубда рақибини яна бир бор маглуб этиб, ярим финалга йўлланма олгани мухлислар ёдида бўлса керак. Петросян ғалаба билан тугаллаган ўша партияларининг бирида оқ доналарда назарияда йўқ ажойиб йўлни танлаб, устун чиққан эди. Миланда жаҳон чемпиони Карповга қарши ўйинда у ўша позицияни қоралар билан ҳимоялашга мажбур бўлди. 16-юришда бошқачароқ йўлни танлаган, вазиятни тенглаштириб олди. Анатолий Карпов дурангдан қочгани йўқ, негаки ярим финал матч 2:2 ҳисобида тугаса, унга финал нақд эди: коэффициентлар жадвалига кўра йўлланмани олаверарди.

Петросян синоҳларни алмаштириб, вазиятни жуда соддалаштириб юборгач, 29-юришда жаҳон чемпиони битимга имзо чекди. Ҳисоб 1,5:1,5 бўлиб қолди. Тўртинчи партияда Петросянининг вазифаси анча оғир: биринчи совриндор учун курашни давом эттириш масаласи фақат ғалабага боғлиқ эди. У оқ доналар билан мусобақалашажагига ишонган бўлса эҳтимол. Одатда жаҳон экс-чемпиони ўйинни биринчи бўлиб бошлаш имкониятидан жуда унумли фойдалана оладиган шахматчилар тоифасидан. Лекин йилда бир ютқазадиган Карповдек гроссмейстерни енгиш ҳам осон иш эмас эди.

Финалчиларнинг биттаси учинчи партиядаёқ аниқланди. Портиш — Любоевич учрашувининг дастлабки босқичи — дебютдаёқ венгриялик гроссмейстер устунликка эришди. Ғалабага бир қадам қолгандек эди. Аммо, югославиялик ёш гроссмейстер учачмучага ўзини йўқотиб қўядиганлардан эмас. Комбинациявий маҳорати юксаклиги туфайли ҳар қандай вазиятда чигалликлар пайдо қилишга унинг «суяги йўқ эди». Қийин бир вазиятда Любоевич отини қурбон қилди. Лекин Портиш «ғиҳъом»га қарамади ҳам. Позициявий афзаллигини мустаҳкамлаш пайида бўлди. Бироқ шу билан машғул бўлиб, хиёл сустлашган ҳам эдики, рақиби тагин «бош кўтарди». Томонларда иккитадан руҳ-у пиёдалар борлигида ўйин кечиктирилди. Ўзини анча босиб олган Портиш эртасига нафис йўллар билан ғалабага эришди. Ҳисоб унинг фойдасига 2:1 бўлиб қолди. Борди-ю, у тўртинчисини ютқазиб қўйса ҳам финалга йўлланмаси тайёр эди. Ҳа, мусобаканинг турнир қисмида биринчиликни олгани қўл келиб қолди.

Икки кунлик танаффус вақтида жаҳон чемпиони Карпов Австрия коммунистлари газетаси «Фольксштимме»нинг, совет делегациясининг бошқа аъзолари эса Италия Компартияси газетаси «Унита»нинг анъанавий байрамида иштирок этишди. Машҳур шахматчилар ҳаваскорлар билан учрашиб, лекция, суҳбат ва бир йўла ўйин сеансларини ўтказдилар.

Учинчи учрашувни ютқазиб қўйган югославиялик ёш гроссмейстер Любоевичнинг «тарвузи қўлтиғидан тушгани» сир эмас. Шу кайфиятда ўйин бўлармиди дейсиз! Лекин мусобақа низомига кўра тўртинчи партияни ҳам ўйнаши шарт. Любоевич дебютда сust ўйнагаванидан фойдаланиб Портиш ташаббусга эришди. Расмиятчилик учун тезда дуранг қилиб кетишни ўйлаган ёш гроссмейстер қийин аҳволдан чиқиб кетиш йўлларини излар экан, ўйин билан овора бўлиб қолиб, аввалги ниятини унутиб қўйди. Аммо, финалга йўлланмаси тасдиқ турган Портиш ғалабага ортиқча интилмади. Тез орада томонлар дурангга имзо чекишди.

Петросян билан Карповнинг бир-бирларига худди ака-укадек муносабатда эканликларини мен ўтган йили Францияда ўтказилган жаҳон шахмат олимпиадасида сезган эдим. Аммо, шахмат тахтасининг икки томонига ўтириб, ўзаро баҳса кирганда ҳар қандай дўстлик ҳам ҳалол спорт курашига тўсиқ бўла олмайди. Бундай гроссмейстерлар турнирининг якунловчи қисмида, биринчи ўрин тақдири қандай ҳал бўлишига катта таъсир кўрсатувчи ўйинда айниқса «келишув» деган нарса бўлмайди. Аввалги уч ўйинни дуранг қилган Петросян бунисини ютишга ҳаракат этмас экан, ниятига ета олмас, Карпов эса битим тарафдори эди. Жаҳон чемпиони қора доналарда ўйнаб, вазиятни аста соддалаштиришга ва 30-юришда имкониятларни буткул тенглаштиришга эришди. Ҳафсаласи пир бўлган Петросян дурангга кўниб, рақибини бош финалга чиққанлиги билан табриклади.

Шундай қилиб, биринчи ўрин учун жаҳон чемпиони Карпов билан венгриялик тажрибали гроссмейстер Портиш бош финалда, Петросян билан Любоевич учинчи соврин учун иккинчи финалда ўзаро беллаша бошладилар.

Биринчи учрашувни дуранг қилган Анатолий Карпов иккинчисида оқ доналарда ўйнаб, ибратли услубда муҳим ғалабани қўлга киритди. Петросян эса аксинча биринчисини ютиб, иккинчисида қора доналар билан дурангга эришди. Иккала матчнинг ҳам учинчи учрашуви дуранг билан якунланди. Шартга кўра иккала финалда ҳам олтитадан партия ўйналиши керак. Борди-ю, ҳисоб 3:3 бўлиб қолса, бош финалда бирор томон дастлабки ғалаба қилгунга қадар ўйин давом эттирилар, иккинчи финал эса тўхтатилиб, иккала қатнашчига ҳам учинчи ўрин бериларди. Иккала финал матчининг биринчи ярмида ҳисоб ваклиларимиз фойдасига 2:1 эди.

Яккама-якка олишувларнинг иккинчи ярми ниҳоятда кескин тус олгани табиий. Бир очко устунликка эришиб олган Карпов қолган партияларни ҳам ҳушёрлик билан ўйнаб, барчасини дуранг қилди. Петросян эса тўртинчисини бой бериб, рақибига очколар фарқини йўқотиш имконини бериб қўйди. Кейинги иккитаси ҳам дурангдан нари ўтмади.

Шундай қилиб, гроссмейстерларнинг Миландаги халқаро мусобақасида якунловчи матчда 3,5:2,5 ҳисобида ғалаба қилган Анатолий Карпов биринчи совриндор бўлди. Жаҳон чемпиони ўз мавқеини шахмат аҳли кўз ўнгида тагин ҳам мустаҳкамлаб олди. Рақиб режаларини барбод қилиш, қийинроқ вазиятда ўзини ҳар томонлама тута билиш бобида янги жаҳон чемпионига тараф камлиги янада равшанлашди.

М. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Узбекистони» шахмат шарҳловчиси.

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ...

Ўзбекистонда кино санъатининг йирик намояндаси бўлган Наби Ғаниев номидаги Тошкент кинотехникуми бир неча йилдирки, киноқурилмалар мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаб келади. Техникумни аъло баҳолар билан тамомлаганлардан А. Назгинов Фарғона область кинопрокат конторасининг, М. Юсупов эса Хоразм область кинопрокат конторасининг директорлари, Г. Сараянц «Узбекинохроника» студиясида бош инженер бўлиб ишламоқда.

Тошкент кино техникумида ёшларни ўқишга қабул қилишга бўлган талаб ва эҳтиёж йилдан-йилга ортмоқда. Бу, техникумни янги ўқув қуроллари билан таъминлашни, кабинет ва лабораториялар ҳамда машғулот заллари ни янада кенгайтиришни тақозо этади. Техникум янги ташкил топган вақтда ўқувчилар сони 60 нафар бўлса, эндилиқда кундузги бўлимга қабул қилинувчилар сони бундан икки баравар ортиб кетди. Сиртқи бўлим студентлари сони ҳам юз нафарга етди.

— Студентлар шаҳарчасида янги лойиҳа асосида техникумнинг бир ярим минг ўринли ўқув корпуси ва 480 ўринга мўлжалланган умумий ётоқхона бинои қуриш ишлари бошланади, — дейди техникум директори Турғун Аюпов.—Бу қурилиш «Главташкентстрой»нинг 4-трест қурувчилари зиммасига юклатилган. Ҳозирча бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда студентлар ва ўқитувчиларнинг ташаббуси билан янги кинозал қурдик. Техникумни қайта жиҳозлаш масалаларини ҳал этдик.

Техникумда ўқув ишларини яхши йўлга қўйишда, шубҳасиз, «Агрегат-АБ-4», «Люксметр-1ЛКП» каби зарур техник қуроллар билан таъминланиш ва дарсларни ўқув кўргазмали асосда олиб боришнинг роли беқиёс. Шу боисдан республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бизга амалий ёрдам кўрсатади, деган умиддамиз.

Билим маскани коллективи олдида янгидан-янги ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалар турибди. 1980 йилга бориб ўқувчилар қабул қилиш бир неча баравар ортади.

Н. АЛИМОВ.

спорт

ОҒИР АТЛЕТИКА. Москвада бир неча кун давом этган жаҳон чемпионати мусобақаларида команда ҳисобида совет атлетикачилари ғалаба қилишди. Қизғин бахсларнинг сўнгги куни оғир вазнли тош кўтарар полвонлар мусобақалашдилар. Биринчи ўрин учун кураш болгариялик ўн биринчи синф ўқувчиси Христо Плачков билан совет спортчиси Василий Алексеев ўртасида давом этди. Христо силтаб кўтаришни 190 килограммга етказиб, даст олишда 237,5 килограммлик натижа билан жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди. Лекин Алексеев ҳам бўш келмади. У аввал 187,5 килограмм, кейин 240 килограмм тошни кўтариб, қўш кураш ҳисобида (427,5 кг) жаҳоннинг янги рекордини ўрнатди. Сўнг совет полвони 245,5 килограммли тошни боши узра муаллақ тутиб, мухлисларни ҳайратга солди.

* * *

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Студентларнинг Римда бўлиб ўтган жаҳон ўйинларида ўзбек спортчиси Светлана Ўлмасова катта муваффақиятга эришди. Андижонлик бу спартакчи қиз уч минг метр масофага чопишда бронза медалини қўлга киритди. Светлана ана шу масофани 8 минут 55,86 секунд ичида босиб ўтиб, республиканинг янги рекордини ўрнатди.

* * *

ВЕЛОПОЙГА. Фарғонада халқа йўл бўйлаб ўтказилган мамлакат биринчилиги мусобақасида латвиялик спортчилар пешқадамлик қилишди. 30 даврали сўнгги тур пойгада динамочи А. Пиккуус тезкорлик кўрсатиб, ғалаба қилди. Ленин учкураш ҳисобида олтин медалли бўлиш армиячи В. Галинаускасга насиб қилди.

* * *

БОКС. Самарқандда СССРда хизмат кўрсатган тренер С. Жаксон хотираси совғини учун ўтказилган мусобақада ғолиблар аниқланди. Қарийб 180 боксчидан ўн биттаси совриндор бўлди. 20 боксчи СССР спорт мастери нормативини бажарди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 15.40— ТОШКЕНТ. 15.55 Рангли телевидение. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига Ҳалқлар дўстлиги ордени топширилишига бағишланган республика олимлари ва Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакилларининг тантанали умумий мажлиси. Мажлис Санъат саройидан олиб кўрсатилади. 18.05 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.35 — КПСС XXV съезди шарафига. 19.05 — **«Ахборот».** 19.20— Халқаро шарҳловчилар даврасида. 19.50 — Фильм концерт. 20.05 — Партия маорифи шаҳобчаларида янги ўқув йилининг бошланиши олдидан (Москва). 20.35 — **Дўстлик экрани.** 21.30 — **«Ахборот».** 21.50 — Ўн минут музика. 22.00 — **«Бақт».** 22.30 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 22.50 Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — МОСКВА. 18.15 — Сенга, ёшлик! 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.20 — Концерт. 20.05 — Жаҳоннинг машҳур композиторлари. Ференц Лист. 20.35 — Телеспектакль. 22.00 — Ўқув кўрсатуви. 22.30 — Ҳужжатли экран. 23.45 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Кинофильм. 20.25 — Чолғу асбоблари тарихидан. 21.05 — Тошкент янгиликлари. 21.20 — **Шоирнинг тақдири** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IX да **Кўрмайин босдим тиконни,** 26/IX да **Парвона,** 27/IX да **Йўлқолган узун.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/IX да **Олифта,** 26/IX да **Нурхон,** 27/IX да **Момо ер.**

КИНО

ҚИШЛИ БИНОДА

Бобби (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.00).

«СРЕДАЗСТРОЙМАШ-АВТОМАТИЗАЦИЯ»
бошқармаси
Москва махсус конструкторлик-технологик бюросининг
ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
ТОШКЕНТ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИК БЎЛИМИГА
сектор мудирлари, бригада раҳбарлари, етакчи конструкторлар, 1, 2, 3 категориядаги конструкторлар вазифаларига **конструкторлар;** етакчи инженер, катта инженер, инженер вазифаларига **инженер-электромеханик, иқтисодчи инженер, инженер-технолог, норма контролёри инженери; катта техниклар ва техниклар, нуска кўчирувчилар, чизмачилар, секретарь-машинистка**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация Бюроси.

«АКАДЕМКНИГА»НИНГ ЎРТА ОСИЁ КОНТОРАСИ

Ленин кўчаси, 73-уй; Ш. Руставели кўчаси, 43-уй; «Узбекистон ССР 50 йиллиги» кўчаси; Марказ — 15 кварталы, 11-уйда жойлашган

МАГАЗИНЛАРДА
7 томлик «СССР СОЦИАЛИСТИК ИҚТИСОДИНИНГ ТАРИХИ» (1917—1975 йиллар)»га

ОБУНА ЎТКАЗМОҚДА

Ҳар бир томнинг баҳоси — 2 сўм 60 тийин.

КИТОБ 1976 — 1978 ЙИЛЛАРДА НАШР ҚИЛИНАДИ.

Обуна вактида 2 сўм 50 тийин тўланади.

Бошқа шаҳарлилар пулни почта орқали қуйидаги адресга юборсинлар: Тошкент шаҳар, ГСП, Ленин кўчаси, 73-уй, «Книга-почта» бўлими.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА «УЗГЛАВМЕСТСНАБСБЫТ» БАЗАСИ 1-15 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ
инвентаризация ўтказилиши муносабати билан молларни
ТАРҚАТМАЙДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти коллективи институт катта илмий ходими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Н. Набиева синглиси **Муяссар НАБИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 17162. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 224.